O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI OLTINSOY TUMAN HOKIMINING
Q A R O R I

Oltinsoy tumani, Mustaqillik ko’chasi 8-uy, 190700, tel: (+99876) 47-77-516, oltinsoy_t@exat.uz, www.Oltinsoy.uz

2021 - yil 16 - iyul 58-8-108-Q/21 Oltinsoy tuman hokimligi

Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларида электрон аукцион савдоларига қўйиладиган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қийматини тасдиқлаш тўғрисида вилоят ҳокимининг 2021 йил 21 майдаги 3-8-0-Q/21-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6 ва 25-моддаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4427-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1023-сон қарорларига мувофиқ тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали доимий фойдаланишга беришнинг минимал қийматини белгилаш ҳамда шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 21 майдаги 2-8-0-Q/21-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 21 майдаги 2-8-0-Q/21-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Молия бош бошқармаси, Сурхондарё вилояти давлат Солиқ бошқармаси ва Кадастр агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармасининг тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали доимий фойдаланиш ҳуқуқи (0,01 га майдон) юзасидан ишлаб чиқилган минимал қиймати бўйича тавсиялари маъқулланганлиги инобатга олинсин.

3. Туманда тадбиркорлик субъектларига инвестиция киритиш ва ижтимоий мажбурият юклаш шарти билан тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали 0,01 га ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан беришнинг минимал қиймати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг ҳар бир туман (шаҳар) учун минимал қийматини белгилашда ер солиғининг йиллик миқдори, ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид харажатлар, ер участкасининг жойлашган жойи, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш нуқталарининг мавжудлиги каби мезонлар инобатга олинганлиги кўрсатиб ўтилсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Кўчаров) туман Қурилиш бўлими (О.Янгибоев), Кадастр агентлигининг туман бўлими (А.Эшқобилов), Давлат кадастрлари палатаси туман филиали (Ғ.Ибрагимов) билан биргаликда белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш мақсадида аукцион савдоларига чиқарилишини таъминлаш;

аукцион савдоларида сотилган ер майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан доимий мониторинг олиб борсин ҳамда мақсадсиз фойдаланилган ёки инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, ер участкасини захирага олиш чораларини кўрсин.

6. Туман давлат Солиқ инспекцияси (Ш.Нуриддинов), Кадастр агентлигининг туман бўлими (А.Эшқобилов), Давлат кадастрлари палатаси туман филиали (Ғ.Ибрагимов) электрон аукцион савдоларига чиқариладиган бўш ер майдонларининг минимал қиймат баҳосига қатъий риоя қилиниши ҳамда маҳаллий бюджетга пул тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ туширилишини таъминласин.

7. Туман давлат Солиқ инспекцияси (Ш.Нуриддинов) ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қийматини бир иш куни ичида “YERELEKTRON” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш чорасини кўрсин.

8. Туман ҳокимининг 2021 йил 2 апрелдаги Қ-253-сон ва 2021 йил 29 апрелдаги 315-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор “Халқ ва хаёт” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайти (www.Oltinsoy.uz)га жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Бабакулов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **А.Т.Джумаев**

Олтинсой туман ҳокимининг
2021 йил 16 июлдаги
58-8-108-Q/21-сон қарорига
1-илова

Олтинсой, туманида тадбиркорлик субъектларига инвестиция киритиш ва ижтимоий мажбурият юклаш шарти билан тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали 0,01 га ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан беришнинг минимал қиймати

№	Бажариладиган ишлар номи	БҲМ (Базавий ҳисоблаш миқдори)	Ҳужжатларни тайёрлаш қиймати (БҲМга нисбатан, бараварда)	Жами сумма	Асос	Изоҳ
1	Ер участкасини танлаш Материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати	245 000	2	490 000	ВМнинг 1023-сонли қарор низомининг 6- банди	Нархлар БҲМнинг миқдори ва ер участкасининг майдонига қараб ўзгаради ҳамда **тизим томонидан автомат киритилади.**
2	Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйҳатидан ўтказишга оид ҳаражатлар	245 000	5	1 225 000	ВМнинг 623-сонли қарор низомининг 4.9-банди	Ўзгармас ставка (БҲМ ўзгарганда ўзгаради) ҳамда **тизим томонидан автомат киритилади.**
3	Муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш нуқталарининг мавжудлиги бўйича. *(АРТ қиймати)*	245 000	4	980 000	ВМнинг 1023-сонли қарор низомининг 7- банди а) хатбоши	Ўзгармас ставка (БҲМ ўзгарганда ўзгаради)
4	Қурилиш бўлими *(Ер участкасини танлашга доир бошқа материалларни тайёрлаш миқдори)*	245 000	2	490 000	ВМнинг 1023-сонли қарор 7-банди б) хатбоши	Ўзгармас ставка (БҲМ ўзгарганда ўзгаради) ҳамда **тизим томонидан автомат киритилади.**

5	Ер участкасининг жойлашган жойи бўйича	0	0	0		
Ер участкасининг йиллик солиқ ставкаси						
6	Ер солиғининг йиллик миқдори	188 224,00	0,01 га ер майдони учун	188 224	ВМнинг 1023-сонли қарор низомининг 24- банди	ЎРҚ-657 билан тасдиқланган 0,01 га майдон учун йиллик ер солиғининг ставкаларига асосан ер участкасининг майдонига қараб ўзгаради.